

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!
Аввало, сиз, азизларни, таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилаётган барча педагог ходимларни Ўқитувчи ва мураббийлар кунин билан чин қалбимдан табриклаб, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ушбу кутлуг айёмда барчамиз бизга илм ўргатган, ҳаёт сабогини берган жонкуяр, фидойи ўқитувчи ва домларимизга чуккур ҳурмат бажо келтириб, чин дилдан таъзим қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб кўри, бутун борлигини ёш авлод тарбиясига бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати, жасорати ҳар қандай юксак баҳоларга муносибдир.
Бу ҳақда фикр юритар эканмиз, улуғ маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Бехбудийнинг: "Авлодларингизга фақат бугуннинг эмас, келгуси замоннинг илмини ўргатинг", деган сўзлари беихтиёр ёдимизга тушади.

Чиндан ҳам, дунё миқёсида рақобат янада кучайиб борадиган, ўта мураккаб бир даврда яшайдиган болаларимизни келажакка тайёrlаб, соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия соҳаси, ўқитувчи меҳнатининг туб моҳиятини ташкил этади.

Ана шу ўткир ҳақиқатни ҳисобга олиб, биз таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларни давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши даражасига кўтардик.

Ўтган қисқа даврда мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, мактаб таълимида 11 йиллик тизимга ўтиш, академик лицей ва касб-хунар коллежларини оптималлаштириш, нодавлат таълим хизмати кўрсатиш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширдик.

Бугунги кунда сизларнинг, бутун эл-юртимизнинг қизгин қўллаб-қувватлаши билан **мактаб таълимини ривожлантириш умумий миллий мақсадага, умумхалқ ҳаракатига айланиб бормоқда.**

Буюк аллоамларимиз, атоқли шоир ва адибларимиз номи билан аталадиган ижод ва табиий фанларга ихтисослаштирилган мактаблар, "Темурбеклар мактаблари", Президент мактаблари каби мутлақо янги намунадаги замонавий ва инновацион таълим масканлари

ри аини шу мақсадга хизмат қилади.

Бу борада умумтаълим мактаблари тизимини ривожлантириш масаласига устувор аҳамият берилмоқда. Бунинг тасдиғини сўнгги икки йилда 238 та янги мактаб барпо этилганида ҳам кўриш мумкин. Ҳолбуки, 2010-2016 йилларда бу соҳага етарли эътибор берилмагани туфайли 99 та мактаб ёпилган эди.

Мазкур соҳани ривожлантириш учун ажратилаётган бюджет маблағлари ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, жорий йилда мактабларга 2017 йилга нисбатан 81 фоиздан зиёд маблағ ажратилди.

Юртимизда бочка, мактаб ва олий таълим тизимида ишлаётган тарбиячилар, ўқитувчи ва домларлар меҳнатини муносиб қадрлаш, уларнинг иш ҳақини, жамиятдаги нуфузини ошириш бўйича муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Соҳа ривожига бўлган ана шундай эътибор мактабларда ўқув-тарбия жараёнларини сифат жиҳатидан ўзгартаришга, ўқитувчилар таркибини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Биз таълим-тарбия масаласига комплекс ёндашган ҳолда, бочка таълими билан бирга олий таълим тизимини ҳам узвий ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Шу мақсадда мамлакатимизда мактабгача таълим ҳамда олий таълимни ривожлантириш дастурлари қабул қилинди ва шу асосда туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, кейинги икки йилда мамлакатимизда 35 та, жумладан, 13 та хорижий олий ўқув юрти ташкил этилди. Юздан ортқ янги бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда 94 та магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ана шундай чора-тадбирлар натижа-сида ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси уч йил бурунги 9 фоиздан 20 фоизга ошди. Биз яқин келажакда бу кўрсаткични 25 фоизга етказишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Яратилаётган имкониятлар туфайли Ўзбекистон ёшлари турли соҳаларда ўз билим ва салоҳиятини намоён этиб, Ватанимиз шухратини бутун дунёга тараннум этмоқда.

Куни кеча Россиянинг Екатеринбург шаҳрида дунёнинг 80 га яқин мамлака-

тидан моҳир спортчилар иштирок этган бокс бўйича жаҳон чемпионатида миллий жамоамиз вакиллари юксак азму шижоат ва маҳорат намунасини кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллагани барчамизни қувонтириб, гурур ва ифтихор бағишлайди.

Бундай улкан ютуқларни аввало сизлар каби фидойи устоз, мураббийларнинг фидокорона меҳнати натижаси сифатида қабул қиламиз.

Қадрили юртдошлар!
Барчамиз яхши тушунамизки, бугунги шиддатли замон барча соҳалар қаторида таълим-тарбия тизимини ривожлантириш бўйича ҳам олдимизга ғоят муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Албатта, ёшларимизнинг билим олишлари учун барча шароитларни яратиш, ўқув биноларини қуриш, уларни замонавий жиҳозлаш мумкин. Лекин фарзандларимизга юксак мезонлар асосида таълим-тарбия берадиган, янгича, инновацион фикрлайдиган муаллим ва ўқитувчиларни тайёрлаш, бу — энг оғир вазифа бўлиб, жуда катта меҳнат ва масъулиятни талаб этади.

Шу маънода, **бугунги кун ўқитувчиси универсал мутахассис, ҳам ўргатувчи, ҳам ўрганувчи бўлиши**, яъни ўз устида тинимсиз ишлаши, доимо изланиб яшаши керак.

Энг муҳими, ўқитувчи чинакам ватанпарвар инсон бўлиши зарур. Қалбиди ўз касбига, Ватанига меҳр ва садоқат кучли бўлган ўқитувчига ҳақиқий ватанпарвар шахсни тарбиялай олади.

Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз **"Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак"** деган ғояни амалга оширишга қаратилмоқда. Бунинг учун давлат ва жамият томонидан қанча маблағ, ресурс ва имкониятлар зарур бўлса, барчасини сафарбар этамиз.

Мактабларда хорижий тилларни, ахборот-коммуникация технологияларини ўргатишни таъминлаштириш, олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислох қилиш, ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларни самарали амалга оширишимиз лозим.

Профессional таълим соҳасида бугунги меҳнат бозори ва халқаро стан-

дартларга тўла мос келадиган бутунлай янги тизимга ўтишни жадаллаштиришимиз керак.

Таълим муассасаларининг моддий-техник базаси, ўқитиш сифати ва педагог ходимларнинг билим ва малакасини оширишга қаратилган **"Замонавий мактаб"** давлат дастурини амалга ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Барчамизга аёнки, бугунги кунда ёнаторфимизда ёшларнинг қалби ва онгини захарлаб, уларни тўғри йўлдан оғдиришга қаратилган хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда. Бундай мафкуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида барчамиз биргаликда курашмоғимиз, **оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустахкамлашимиз** зарур.

Айниқса, бу вазифа барча бўғиндаги раҳбарлар, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар ташкилотлари, ижодкор зиёлиларимиз, диний уламолар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, бутун жамиятимиз учун виждон ишига айланиши керак.

Азиз ва муҳтарам устозлар!

Бугун таълим-тарбия соҳасида, хурматли ўқитувчи ва мураббийларимиз, фарзандларимиз ҳаётида янги давр бошланмоқда. Бу даврни янада чуккур маъно-мазмун билан тўлдириб, **миллий юксалишга эришиш** фақат ва фақат ўзимизга, шу йўлда ҳамжиҳатлик билан қаттиқ меҳнат қилишимизга боғлиқ.

Биз халқимизнинг энг катта бойлигини — миллионлаб фарзандларимиз, жондан азиз ўғил-қизларимизнинг тақдирини, Ўзбекистон истиқболини сизларга ишониб топширганмиз. Ва бу вазифани масъулият билан адо этиб келаятган сизлар каби фидойи инсонлар, келажак бунёдкорларига ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Сизларни Ўқитувчи ва мураббийлар кунин билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломаатлик, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда катта муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 сентябрдаги "Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнэк кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармониға мувофиқ, мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, соҳаға доир ислохотларни муваффақиятли амалға ошириш, ёшларға илм-фан асослари ва замонавий касб-хунарларни ўргатиш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати, шунингдек, юртимизда таълим соҳасини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, ўқув-тарбия жараёниға илгор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш, илм-фан ютуқларини амалиётта таъбиқ қилиш, чуқур билим ва касб-хунарға эға, мустақил фикрлайдиган, иқтидорли, соғлом авлодни вояға етказиш ишлариға қўшган салмоқли ҳиссаси, ёшларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларға ҳурмат руҳида тарбиялашдаги улкан хизматлари учун бир қанча юртдошларимиз давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

"Меҳнат шухрати" ордени билан
Базарбаева Севар Юлдашовна — Тошкент туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси
II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Илов Аслан Нурович — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг халқаро кураш турлари назарияси ва услубияти кафедраси профессори

Сулайманова Сайёра Иляшовна — Қуйичирчиқ туманидаги "Фартуна" нодавлат мактабгача таълим муассасаси раҳбари

"Дўстлик" ордени билан
Туранова Гулчехра Йегиталиевна — Бекобод шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси

"Шухрат" медали билан
Баратова Зумрад Рахматиллаевна — Охангарон туманидаги "Саховат" кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйи энағаси

Бусинова Гулнора Бойбутаевна — Олмалик шаҳридаги 23-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

Давидова Дилафруз Абдуганиевна — Янгийўл шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси
Мирахмедова Соҳида Мирзатилаевна — Бўстонлик туманидаги Ғазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодийёт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Муллажоновна Ирода Собировна — Пискент туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

Сисоева Юлия Владимировна — Ангрент шаҳридаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 сентябрдаги "Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида бокс бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида юқори натижаларға эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармониға мувофиқ, жорий йилнинг 6-22 сентябрь кунлари Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида дунёнинг 80 га яқин мамлакатлари ўртасида бокс бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида миллий терма жамоамиз вакиллари юксак азму шижоат ва маҳорат намунасини кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллаганлиги ҳамда Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги шон-шухратини тараннум этишға катта ҳисса қўшганлиги, юртимизда спортни кенг оммалаштириш, соғлом ва баркамол авлодни вояға етказиш, ёшлар онгида миллий гурур, она Ватанға муҳаббат ва садоқат туйғуларини кучайтириш борасидаги муносиб хизматлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон ва медаллар билан мукофотландилар.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидаги вакилимиз бор:

"Шухрат" медали билан
Қиличев Фаррух Комилович — Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг бокс бўйича бош мураббийи

Маҳалла қайғуси билан яшайётганлар

"Маҳалла ифтихори" кўкрак нишонлари билан тақдирландилар

Шу муносабат билан Нурафшон шаҳрида мазкур нишонларни ўз эгаларига топширишға бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ҳаётимизни маҳалласиз тасаввур этиш қийин. Қай бир юмушимиз бўлса, аввало, маҳаллага чиқиб, оқсоқоллардан маслаҳат сўраймиз, уларнинг гапига қулоқ тутамиз. Негаки, халқимизнинг тақдири маҳаллага пайванд, одамларнинг ташвиши, қувончу шодлиги маҳалла учун асло бегона эмас.

Маҳалла институтининг жамиятдаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни мустахкамлашға қаратилган ишларни изчил давом эттиришда ушбу ноёб тузилманинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Давоми 3-бетда ➡

Энг улуғ, энг шарафли касб эгаларига эҳтиром

Бугунги кутлуг айём, халқимизнинг чинакам ардоқли байрамига айланиб бораётган Ўқитувчи ва мураббийлар кунини вилоятимиз аҳли катта шодийна ва хурсандчилик билан нишонламоқда. Жойлардаги энг қадрдон ва файзли гўшалар, бог ва хиёбонлар, истироҳат манзиллари бугун халқ сайилгоҳларига айланиб, унда байрам сайлига чиққан кексаю ёш — ҳамманинг қайфиятида чинакам байрам руҳи ва шуқуҳи уфурган.

Давоми 2-бетда ➡



Вилоят кенгашининг сессияси

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Нурафшон шаҳрида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишида сиёсий партиялар етакчилари, тегишли ташкилот ва бошқармалар бошлиқлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддилари, шунингдек, давлат ва жамоат муассасалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Бугун Ўзбекистон муҳим сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар арафасида. Марказий сайлов комиссияси 2019 йил 22 декабрни Ўзбекистон Рес-

публикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови кунини, деб белгиледи. Сайлов кампанияси расман 20 сентябрдан бошланди.

Давоми 3-бетда ➡

Вилоят сайлов комиссиясининг биринчи йиғилиши

Кеча Нурафшон шаҳрида Халқ депутатлари Тошкент вилоти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 19-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари вилоти Кенгашининг тақдимномасига асосан Жалолiddин Насриддинов вилоят сайлов комиссияси раиси этиб сайланди. Шунингдек,

вилоят сайлов комиссияси аъзолари орасидан раис ўринбосари ва комиссия котибини сайлаш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилиниб, овозга қўйилди.

Йиғилишда комиссия аъзолари сайлов кампанияси давомида жойларда

қонунчиликка тўла амал қилинишини таъминлаш, жараённинг боришида тегишли ёрдам кўрсатиш бўйича ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Вилоят сайлов комиссиясининг Халқ депутатлари вилоти Кенгашига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тақвим режаси тасдиқланди.

Давоми 3-бетда ➡



1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni

Дарҳақиқат, халқимиз устоз деган шарафли номни улуглаб келаётган барча ўқитувчи ва мураббийлар олдиди ҳақиқат таъзимда. Негаки, инсон камолотида таълим-тарбиянинг ўрни ва аҳамияти нечоғлиқ беизбир бўлса, шарафли ва машаққатли касб

билан, аниқ-равшан ифодаб бердилар.

Вилоятимизнинг Олмалик шаҳридаги "Металлург" маданият саройида мазкур сана муносабати билан тантанали маросим ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти

Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз "Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак" деган ғояни амалга оширишга қаратилмоқда. Бунинг учун давлат ва жамият томонидан қанча маблағ, ресурс ва имкониятлар зарур бўлса, барчасини сафарбар этамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ ШАРАФЛИ КАСБ ЭҒАЛАРИГА ЭҲТИРОМ

заҳматкашларининг фидокорона меҳнатлари ҳам ана шундай таъриф ва таҳсинга сизмас буюк жасоратдир. Зотан, бугун бутун халқимиз ушбу кутлуг айёми кенг нишонлаётган экан, биринчи навбатда, кадрдон мактабимиз, бизга ҳарф ўргатган, эзгуликдан сабоқ берган меҳрибон муаллимларимиз сиймоси кўз олдимизда намоён бўлиши табиийдир.

Давлатимиз раҳбари олиб бораётган бугунги сиёсатнинг тағ замири мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини замон билан ҳамнафас, юқори босқичга олиб чиқиш, ўқитувчи кадр ва мактабни юксакларга кўтариш, ёш авлодни олижаноб инсоний туйғулар руҳида камол топтиришга қаратилганлигини барчамиз кундалик ҳаётда кўриб, ҳис этиб турибмиз.

Президентимиз кuni кеча ушбу кутлуг сана муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табриғида ҳам "Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз "Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак" деган ғояни амалга оширишга қаратилмоқда", дея бугунги таълим ислохотларининг асл моҳиятини бир сўз

◀◀ Бошлонини 1-бетда



денти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табриғи Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Холматов томонидан ўқиб эшиттирилди.

Мамлакатимиз Президентининг байрам табриғи залга йиғилган барча устоз ва мураббийларни тўлқинлантириб юборди. Табрик матнидаги "Биз халқимизнинг энг катта бойлигини — миллионлаб фарзандларимиз, жондан азиз ўғил-қизларимизнинг тақдирини, Ўзбекистон истиқболини сизларга ишониб топширганмиз", деган жумлалар ўқилганда, барча оёққа қалқиб, юракдан чиққан ҳаётбахш сўзлар учун миннатдорлик билдирди.

Шу жойнинг ўзида Президентимиз

Фармонига мувофиқ Ватанимизнинг юксак ордени ва медаллари билан таъдирланган вилоятимиз вакиллари — ўқитувчи ва мураббийларга мукофотларни тантанали вазиятда топшириш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Сўз олганлар ўқитувчилик касбига эътибор ва эҳтиром кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани соҳа вакиллари учун нафақат юксак шараф, қолаверса, алоҳида масъулият бағишлаганини таъкидладилар.

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйган ҳозирги кунда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, аввало, илм-фан ва

таълим-тарбия соҳасининг ривожини билан узвий боғлиқ, — дейди "Дўстлик" ордени соҳибаси, тажрибали педагог, Бекобод шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси Гулчехра Туранова. — Қаранг, шу ўтган қисқа фурсатда муҳтарам Юртбошимизнинг бевосита таълим-тарбия соҳасига дахлдор бўлган 6 та фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ойлик маошларимиз босқичма босқич ошириб борилаёпти, жамиятда азиз устозларнинг қадри ва обрўсини кўтариш мақсадида, уларга бир қатор имтиёзлар жорий этилди. Бу муҳим фармон ва қарорлар билан яхшилаб танишсангиз, гап қандайдир жузъий ўзгариш, бир марталик имтиёз ҳақида эмас, умуман, мамлакатимиз ҳаётига доир нимаики муҳим ўзгариш ва янгиланган бўлса, энг аввало ўқитувчилар, кадрли устозлар манфаатини биринчи ўринга қўйдиган тизим яратиш ҳақида кетаёпти. Биз, бундай эътибордан беҳад миннатдоримиз ва ўзимизни жамият тараққиёти йўлида тўла масъуллигимизни дилдан ҳис этаёмиш.

Дарҳақиқат, бугун ҳаётнинг ўзи ўқитувчи ва мураббийларнинг ижти-

мой мақоми ва нуфузини юксак даражага кўтариш борасида катта вазифаларни олдимизга қўймоқда. Давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзловчи сиёсати, қолаверса, эл-юртимизнинг қўллаб-қувватлаши билан мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиб бормоқда.

Маросимда алоҳида меҳнат ютуқлари, касбга фидойилик, юксак ватанпарварлик намунасини кўрсатиб келаётган 20 нафар ўқитувчи ва мураббийлар Тошкент вилояти ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғаси билан таъдирландилар. Уларнинг ҳар бирига замонавий ноутбук тақдим этилди.

Вилоят маданият бошқармаси томонидан тайёрланган бадиий қисмда санъат усталари, халқ ва фольклор жамоаларининг чиқишлари намойиш этилди. Маросимда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Тошпўлат Маткаримов, Фиёс Бойтоев, Илҳом Фармонов сингари таниқли хонандлар дилрабо куй ва қўшиқларини ижро этдилар.

Куннинг иккинчи ярмида муҳташам "Тоғ маҳал" мажмуасида бир пиёла чой устидаги гўзал суҳбатлар дилбар куй-қўшиқлар жўрлигида давом эттирилди.

Вилоятимиз бўйлаб тантанали байрам сайиллари, устозларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишга бағишланган тадбирлар, кўнгилочар кечалар давом этмоқда.

Алишер РАҲМАТОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати олган суратлар

— Очиги, ҳаётда ўз ўрнини топишмида, меҳнат фаолиятини йўлга қўйишмида устозларимнинг хизматлари катта бўлган, — дейди ялламалик қўли гул чевар Нилуфар Холмуродова. — Шунинг учун ҳам уларни ота-онамдек улуғлайман.

УСТОЗ ОТАДЕК, ШОГИРД БОЛАДЕК АЗИЗ

Суҳбатдошимизнинг сўзларини тинглар эканмиз, устоз учун энг катта мукофот шоғирдининг меҳри эканлигига яна бир бор амин бўлдик. У ҳам устозидан ўрганганларини Умида Абдусаломова, Лутфия Тулагановалар каби кизу жувларга улашади.

Тикувчиликка меҳри баланд Нилуфар Чиноз қурилиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежини тамомлади. Сўнгра "Машхура — зиё" нодавлат таълим муассасасининг бичиш-тиқиш курсига қатнади, "Better", "Furan textil" корхоналарида тикувчилик қилиб, тажрибасини оширди. Шундан сўнг "Хар бир оила — тадбиркор" дастури бўйича ўз хонадонидида тикувчилик фаолиятини йўлга қўйди. "Техно Biznes" МЧЖ билан тузилган шартномага мувофиқ, 16 миллион 700 минг сўм кредит эвазига тикув дастгоҳлари сотиб олди. Дастлаб ишни болалар кийимини тикишдан бошлаган Нилуфар бугунги кунда трикотаж маҳсулотлари — аёллар учун халатлар, кўйлақлар, эркаклар кўйлақ-шимлари ва замонавий дизайнли пальтоларга тикмоқда.

Севара, Зулфизар, Зулфия, Диёрахонлар Нилуфарнинг яқин кўмакчилари. Беш опа-сингил бир-биридан қолишмай сифатли ва чиройли либослар яратиб, халқимизга арзон нархларда тортиқ қилишмоқда. Қизлар нафақат онаси Саида ая ва отаси Нурмуҳаммад акага, балки устозлари Насиба Тулаганова, Севара Холмуродова, Муассар Аҳмедова, Лобар Қўшаева-ларга ҳам раҳмат эшитиришмоқда.

**Дилафруз
ЎРИНБОВА**

ҲАР САБОҒИ БИР ҲИКМАТ

Ҳозирги кунда ёшлар таълим-тарбияси, ўқув даргоҳларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эътибор энг юксак даражага кўтарилди. Энди ўқитувчилар ҳам ушбу ғамхўрликка жавобан ўз устларида ишлаб, ёшлар таълим-тарбиясини замон талаби даражасига кўтаришлари керак. Бу борада ўзига хос тажрибага эга бўлган ўқув даргоҳлари ва уларда ўз сўзи ва фикрига эга ўқитувчилар сони тобора кўпаяётгани қувонарли, албатта.

Танишинг: қибрайлик Ҳилола Кенжаева — ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФАН ЎҚИТУВЧИСИ

Қибрай туманидаги 30-мактабни вилоятда, қолаверса, республикамизда яхши билишади. Бу йил мазкур таълим муассасасининг доверу янада юксалди. Сабаби, 11-13 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2019" кўрик-танловининг республика босқичида мазкур мактаб жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Ҳилола Кенжаева биринчи ўринни қўлга киритди.



Ҳилола катта бир педагоглар сулоласининг муносиб давомчиси. Албатта, унинг танловда ғолиб бўлгани мактабимиз учун фахрдир.

Дарвоқе, мазкур мактаб ўқитувчилари 2016-2017 йилларда ҳам "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" танловининг республика босқичида муносиб қатнашишган. Жумладан, мактабнинг музика фани ўқитувчиси Раъно Шарипова ва география фани ўқитувчиси Зухра Хожибоевалар иккинчи ўринни қўлга киритиб, мактаб доверуғини кўтаришган эди.

"Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2019" кўрик-танлови ғолиблари Ўқитувчи ва мураббийлар кuni умумхалқ байрами муносабати билан ташкил этиладиган тантанали тадбирда таъдирландилар. Мактабда бўлганимизда биз ҳам Ҳилола-хонни қўшалоқ байрам билан қўлаб, фаолиятида янада кўллаб ижодий зафарлар тиладик.

Мамуржон ҚИЁМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Хар биримизнинг харф танитган ўқитувчимиз бор. Улар сабабли яхшини ёмондан ажратишни ўргандик. Хар йили 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni нишонланганда, уларни ёдга оламиз. Ваҳоланки, устозларимиз бизлар учун ҳар кuni йўқлашга лойиқ ишлар қилишган, аслида.

Янгийўл шаҳридаги 10-умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Меҳрихон Абдурасулова ҳам чорак аср давомида ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқда. Ўз фанини чуқур билиши, изланувчанлиги — устоз муваффақиятининг асоси. Энг муҳими, ўқувчилари уни қадрлашди ва ҳурмат қилишади.

Ангрен давлат педагогика институтини тугатган Меҳрихон Абдурасулованинг кўплаб шоғирдлари ўтган йиллар давомида "Билимлар беллашуви" танловларининг вилоят ва республика босқичларида ғолиб ва совриндор бўлишди, республика фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этишди.

Устозимнинг кўмаги билан фикрларини тўғри ва аниқ ифода этишни, ҳикоя, қисса ва шеърлар ёзишни



ўргандим, — дейди 11-синф ўқувчиси Сарвиноз Шомуродова. — Бунда қўшимча дарсларга қатнаганим ёрдам берди. Энди олган билимларимни куйи синф ўқувчиларига, "Мезон" маҳалласи қизларига ўргатаёман.

Сўнги икки йил ичида М. Абдурасулова ўрта мактаб ўқувчилари учун бир неча ўзбек тилидаги дарсликларни таҳлил қилди.

Кўп йиллик ҳалол меҳнати учун Меҳрихон Абдурасулова "Халқ таълими аълочиси"

унвонига сазовор бўлди, "Муътабар аёл" кўрак нишони билан таъдирланди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Мансур ҲИММАТОВ олган сурат



Куйичирчиқлик Нилуфар Салимова тумандаги "Баркамол авлод" болалар ижодиёт марказида "Бадиий ижодиёт" йўналиши услубчиси сифатида меҳнат қилади. У ёшларга касб-хунар ўргатиш билан бирга уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишларига кўмаклашиб келмоқда. У ёшларнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда янги тўғараклар ташкил қилиб, машғулотларни замонавий услублар асосида олиб боради.

ИЗЛАНУВЧАН ВА ТАШАББУСКОР ПЕДАГОГ

— Нилуфар ўзининг шижоати ва ташаббускорлиги билан жамоамизда ажралиб туради, — дейди туман "Баркамол авлод" болалар ижодиёт маркази раҳбари Рита Нургазиева. — Қачон қараманг, доим изланишда, янгилик топишга ҳаракат қилади. У таълим тизимини ривожлантириш, ўқув жараёнига муносиб ҳисса қўиш мақсадида услубий та-

сиялар ҳам ишлаб чиққан. Нилуфар турли танловларда ҳам муносиб иштирок этиб келмоқда. Жумладан, яқинда ўтказилган "Энг яхши ижодкор педагог" кўрик-танловининг вилоят босқичида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди.

— Танловда ногиронлиги бор ва оғир хасталик сабаб кўчага чиқолмайдиган бола-

ларнинг уйига бориб билим бериш борасидаги лойиҳам билан қатнашдим, — дейди Нилуфар Салимова. — Мақсадим — умидсизликка тушган болаларни яшашга бўлган интилишларини кучайтириш. Сабаби, улар орасида ҳам иқтидорлилари бор. Ҳозирда ушбу лойиҳамни такомиллаштириш устида иш олиб бораёман.

Зухриддин ҚАМБАРОВ

СИЗДАН БОШЛАНАДИ АСЛИ ТАФАККУР

Хар бир инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топишда муқаддас даргоҳ — мактабнинг ўрни беқиёс. Биз уलगамиз, йиллар ўтиши билан барчамиз илк бор сабоқ олган таълим масканимизни, шунингдек, бизни маънан шаклланишимизда йўл-йўриқ кўрсатган устозларимизни бот-бот эслаймиз.

Ўқитувчи ва мураббийлар кuni умумхалқ байрами муносабати билан мактабимизда узоқ йиллар ёш авлодга таълим-тарбия бериб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган фахрийлар "Сиздан бошланади асли тафаккур!" деб номланган байрам кечамизнинг азиз меҳмони бўлишди.

Адабий-бадиий кечада устозлар шарафига шеър, қўшиқлар янгради, ҳамма хурсанд бўлиб рақсга тушди. Фахрий устозлар ўзлари меҳнат қилган даврларни эслашди, ибратли воқеалардан сўзлаб беришди. Шунингдек, ҳозир яратилган шароитларга жавобан ёшлар "аъло" баҳолабга ўқишлари, барча ишда илғор бўлишлари кераклиги ўқтирилди.

Уч авлод мулоқоти узоқ давом этди. Фахрий устозлар ўзлари сабоқ берган ўқувчилар ҳозирда ёш авлодга таълим-тарбия бераётганини кўриш бахти насиб этганига шукроналар айтишди.

Мухоррам ЖАЛИЛОВА,
Тошкент туманидаги 13-мактаб ўқитувчиси

МАҲАЛЛА ҚАЙҒУСИ БИЛАН ЯШАЁТГАНЛАР

Бошлонғи 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 июлдаги "Маҳалла ифтихори" кўрак нишонини таъсис этиш тўғрисида"ги Қарори эса жамиятимизда маҳалла институтининг ўрни ва ролини янада кучайтириш, жойларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кенг қамровли профилактик тадбирлар ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келатган фаол, ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакилларини тақдирлаш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлди.



Президентимизнинг мазкур қарори ижроси доирасида маҳалла тизимини ривожлантириш, унинг мавқеини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўллаб-қувватлаш ҳамда бу борада эришган алоҳида ютуқлари учун Тошкент вилоятидан 35 нафар шижоатли, фаол, ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакиллари "Маҳалла ифтихори" кўрак нишонини билан мукофотландилар.

Қувонарлиси, тақдирланганлар орасида маҳалласи билан бир тану бир жонга айланган йигин фаоллари, маҳалла юмушига ҳеч оғринмасдан елка тутиб келатган тадбиркорлар, ўқитувчи ва педагоглар, шифокорлар, турли нодавлат ташкилотлари вакиллари ҳам бор.

Қайси маҳаллада иш тўғри ташкил этилган, ҳар бир фуқаро билан яқин ижтимоий ҳамкорлик ўрнатилган бўлса, ўша ерда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, ўзаро тушуниш ва қўллаб-қувватлаш муҳити ҳукм сурмоқда. Маҳаллалар ҳар бир оилада ва бутун жамиятимизда ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, ёш авлодни ҳам маънан, ҳам жиоман баркамол этиб тарбиялаш, оилавий низолаҳнинг олдини олиш каби қўллаб-қувватлаш шарофат билан урдаб келмоқда. "Бунинг учун вилоятимиздаги барча маҳалла фаолларига самимий миннатдорчилик билдираман", деб қайд этди тақдирлаш маросимида вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Холматов "Маҳалла ифтихори" кўрак нишонлари ва энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдориди пул мукофотларини ўз эгаларига тантанали тарзда топширар экан.

Ўз муҳбиримиз

Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Бошлонғи 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловини ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури тасдиқланди.

Вилоят кенгашининг сессиясида мазкур муҳим сиёсий тадбир билан боғлиқ бир қанча ташкилий масалалар қизғин муҳокама қилинди.

Хусусан, Сайлов кодексига мувофиқ, депутатлар тақлиф этилган номзодларни кўриб чиқиш, вилоят сайлов комиссияси таркибини тасдиқладилар. Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи округлар, ҳар бир округда овоз берувчи сайловчилар сонини белгилашга доир ва кенгаш ваколатига қирадиган бошқа масалаларга ойдинлик киритилди.

Сессияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз муҳбиримиз

ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING БИРИНЧИ ЙИГИЛИШИ

Таъкидланганидек, вилоят сайлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда, Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари ҳамда тегишли

тақвим режасига қатъий риоя этган ҳолда, очиқлик ва ошкоралик руҳида амалга оширади. Йиғилишда комиссия ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг таркиби

ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИ

1. Насрединов Жалолиддин Ғиёсович – "Нуроний" жамғармаси вилоят бошқаруви Кенгаши раиси

КОМИССИЯ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ

2. Бобоқулов Сирожиддин Суёнович – Вилоят бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси бошлиғи

КОМИССИЯ КОТИБИ

3. Шоисманов Дилшод Шоисманович – Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясида доимий асосда ишловчи комиссия котиби

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ

4. Эрнатов Низомиддин Улуғмуратович – Тошкент вилояти Қибрай тумани адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

5. Ахмеджонов Дилмурод Ғуломович – Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини информатика ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б.

6. Алкаров Қахрамон Юсупович –

Тошкент вилояти ҳокимлиги Молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

7. Мардиева Валерия Шамильевна – Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани 12-Болалар мусиқа ва санъат мактаби директори

8. Ахоров Жасур Давлатбоевич – Тошкент вилояти "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" Давлат корхонаси бош муҳандиси

9. Холмўминова Лола Хушбоқовна – Вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси ўринбосари

10. Бегматов Рустам Абдуллаевич – Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси автомобиль ташувлари мувофиқлаштириш ва диспетчер назорати бўлими бошлиғи ўринбосари

11. Вахобова Марғуба Абдухамидовна – Исро Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалик филиали ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси

Вилоят сайлов комиссиясининг манзили: Нурафшон шаҳри,

О. Шарофутдинов кўчаси, 1-уй. Вилоят Нуроний ва Маҳалла маркази биноси.

Телефонлар: (70) 762-53-39, (70) 762-53-46.

ИМЗО ТЎПЛАШ ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан имзо варақалари берилгандан сўнг барча сиёсий партиялар томонидан имзо тўплаш жараёни бошлаб юборилди.

Жараён

Мазкур сиёсий кампанияни юкори даражада ташкил этиш учун Ўзбекистон ХПД Тошкент вилояти ташкилотлари ҳам сайловолди тайёргарлик ишларига алоҳида масъулият билан ёндашмоқда.

– Жорий йилги сайловлар бутунлай янги атамойилларга асосланиб, Сайлов кодексига белгиланган меъёрларни қамраб олади, – дейди вилоят партия кенгаши раиси Сайёра Файзуева. – Унга кўра, 3-минг 200 нафар сайловчиларнинг имзосини йиғиш зарур. Бунинг учун партияимиз фаолларидан ҳамжиҳатлик ва фаоллик талаб этилади.

Мухими, имзо варақаларини тўлдириш тартиби борасида қатъий амал қилиниши лозим бўлган жиҳатлар сайловчиларга тушунтирилмоқда. Қонунчиликка мувофиқ, сайловчилар имзосини тўплаш иш, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қўнун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб боришмоқда.

– Имзо йиғиш жараёнида фаол, ўз ишида ташаббус кўрсатган партияимиз аъзолари кучига таянаётган, – дейди Пискент тумани партия кенгаши раиси Дилбар Комилова. – Сайлов кодексига белгиланганидек, жорий йилги сайловларда имзо йиғишда ҳам қатор янгиликлар киритилган. Жумладан, имзо варақасига маълумот киритаётган шахс бир-йўла бешта партия учун ҳам имзо қўйиши мумкин. Мазкур ўзгаришлар ва сайлов қонунчилигига оид бошқа маълумотлар аҳолига атрофлича тушунтирилмоқда.



**ОБ-ҲАВО
МАЪЛУМОТИ**

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 1 октябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, эрталаб ва кечкурун ёмғир ёғади. Ғарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-10 даража илқ, кундузи 20-22 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятда ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда кечаси ва эрталаб ёмғир ёғади, кундузи ёмғир ёғмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-13 даража илқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда ёмғир ёғади. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10 даража илқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

Меҳмонлар вилоятимизнинг Янгийўл шаҳрида ташкил этилган Янгсан саноат зонаси фаолияти билан таништи. Янгийўл шаҳри ҳудудида жойлашган эски гишт заводи ўрнида Жанубий Корея билан ҳамкорликда Янгсан саноат зонаси ташкил этилгани тўғрисида аввал хабар қилган эдик.

Янгийўл шаҳрининг инвестиция муҳитини яхшилаш, шаҳар иқтисодиётига чет эл сармоясини жалб этиш мақсадида шаҳар ҳокимлиги делегацияси жорий йилнинг 25 мартдан 2 апрелига қадар амалий ташриф билан Жанубий Кореяда бўлган эди. Мазкур ташриф чоғида делегация Жанубий Кореянинг Янгсан шаҳри ҳокимлиги ва Савдо палатаси билан Янгийўл шаҳрида Янгсан саноат зонасини ташкил этиш бўйича келишувга эришган эди.

Жорий йилнинг март ойида Янгсан шаҳри ишбилармонларидан иборат делегация мазкур келишувни амалга ошириш учун Янгийўл шаҳрига илк бор ташриф буюриб, саноат зонаси учун ажаратилган ҳудуд билан танишган эди.

Ўтган вақт мобайнида саноат зонаси ҳудудида майдонни

қурилиш жараёнига тайёрлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Меҳмонлар Янгийўл шаҳар фаоллари ва кенг жамоатчилик

Жанубий Кореянинг Янгсан шаҳри расмийлари ва ишбилармон доира вакиллари билан делегация амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди.

Ҳамкорлик

вакиллари томонидан тантанали қарши олинди. Улар икки шаҳар ўртасида ташкил этилган Янгсан саноат зонаси, шунингдек, шаҳарда тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган шартнолар билан таништи.

Тадбир доирасида ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ва Янгсан шаҳри Савдо палатаси ўртасида меморандум имзоланди.


Маълумотларга кўра, Янгсан саноат зонасида Янгсан шаҳрининг йирик компания ва

ташкilotлари томонидан лойиҳа қиймати қарийб 22,5 миллион доллар бўлган қатор инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Жумладан, Жану-

монидан йўналтирилади. "Korea System" МЧЖ томонидан энгил автомобиллар учун эхтиёт қисмлар ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам инвес-

риаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, ноанъанавий ўсимлик мойларини қайта ишлаш ва бошқа шу каби қатор лойиҳалар амалга оширилади. 2019-2021 йилларга мўлжалланган мазкур хорижий инвестиция лойиҳалари тўлиқ амалга оширилиши

ЯНГСАН САНОАТ ЗОНАСИ – ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ ЙЎЛАГИ



бий Кореянинг "BK Medicare" масъулияти чекланган жамияти томонидан лойиҳа қиймати 5 миллион 490 минг долларни ташкил этувчи фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. Йилига 250 миллион донна пласттер ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мазкур лойиҳа учун маблағ тўлиқ инвесторлар то-

торларнинг 5 миллион долларлик инвестиция ҳисобидан амалга оширилади. Мазкур лойиҳанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати ҳам 250 миллион донна бўлиши кутилмоқда.

"Namgang" МЧЖ томонидан қадоқлаш қутилари, "Hanga Steel" ва "BK Chemical" МЧЖлари томонидан қурилиш мате-

билан Янгсан саноат зонасида 200 га яқин янги иш ўринлари яратилади.

Янгсан саноат зонасига мазкур лойиҳа раҳбарлари билан бир қаторда яна 50 нафардан зиёд Жанубий корейлик ишбилармонлар ҳам ташриф буюрди. Мақсад – бу ерда яратилган шартнони ўз кўзи билан кўриш ва инвестиция киритиш. Маълумотларга кўра, бу борада шаҳар ҳокимлиги томонидан Янгсан саноат зонаси учун қўшимча 150 гектар ер ажратиш бўйича тегишли ишлар олиб боришмоқда.

Тадбирда корейс миллий куй-қўшиқлари, рақслари намоиш этилди. Меҳмонлар учун байрамона дастурхон тuzатилиб, миллий таом – ош тортилди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

**Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ**

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.

**Тошкент шаҳридаги
офисими:**
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Телефонлар:
(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
(71) 233-70-10
(71) 233-90-82
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10
Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими:
Электрон почта: toshkenthqiqati@uamail.uz /// th-pt@inbox.ru

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилиш ва Тоҳир Маҳмуджоев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Қумуш ЭТАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаввиф
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Зухриддин РАҲМОНОВ

Буюртма Г-1043. Баҳоси келишилган нарҳда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 3 332 нусхада chop этилди. ISSN 2010-9318.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.30. 1 2 3 4 5

Шабарруклар ибра табаррук устоз!

Муаллимларга

Нечог бахтиёрман, таъзимда шу тоб,
Сизнинг шаънингизга битмоқдаман байт.
Не одам бўлардим, қўлимда китоб
Бирор ҳарф танитай турсайдим лоқайд.



Сиз-ку "Алифбо"дан "Қомус"гача то
Бари-барисини танитган устоз.
Илк бор Сиз кўрсатган дурахшон Зухро,
Бу кун шеърим ичра ташбихдир мумтоз.

Сиз мўъжаз юракда ёқолган ёғду,
Оқибат қуёшдек соча олур нур.
Буюклар ҳаққига қасамёд гап бу:
Сиздан бошланади асли Тафаккур.

Оламда кўп эрур муборак онлар,
Табаррук зотлар ҳам гарчанд кўп эрур.
Сизгадир илк раҳмат азиз инсонлар,
Мунис муаллимлар сизга ташаккур!

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири

Соҳибқирон ётар устоз пойида

Соҳибқирон ётар устоз пойида,
Жомийни пир тутган Навоий ҳазрат.
Устоз буюк деган буюк қоида
Бу қайтар дунёда азалий ҳикмат.



Афлотунга шогирд эди Арасту,
Ул шогирдга шогирд бўлди Искандар.
Бу олтин силсила азалий мангу,
Ўзи устоз бўлар устоз кўрганлар!

Борми мураббийдан бахтлироқ инсон,
Шогирдлари қилса юсакка парвоз.
Бошимизга тожсиз, бор бўлинг, омон,
Табарруклар ичра табаррук устоз!

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири

Оддий муаллим

Абдуллонинг тилин
бурролар қилган,
Илон ўйнатгандек сўз
ўйнатган ким?
Оддий муаллим-да,
оддий муаллим!



Улфат кўп-у аммо бир
дўсти ҳамроҳ –
Ҳалим тополмадим
ундан ҳалимроқ.
Қанча устоз кўрдим, қанча олийгоҳ,
Олим тополмадим ундан олимроқ.
Бола юрагимда бебаҳо тилсим –
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Юзга кираман мен Худо хоҳласа,
Эҳтимол юздан ҳам ўтарман бир кун.
Қайноқ қучоғида ҳурлар чорласа,
Ҳеч кимдан қарзим йўқ кетарман бир кун.
Бўлса ҳам, бир зотда бўлади қарзим,
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири



Устозлар

Айтсам, баҳор яшар экан куз учун,
Яшайсиз болдек ширин сўз учун,
Навоий ҳам отдан тушган сиз учун,
Миллатимиз қароғисиз, устозлар,
Маърифатнинг чироғисиз, устозлар.

Ҳар боланинг кулгусидан яйраган,
Беш олганни ардоқлаган, сийлаган,
Меҳр-булоқ қалбингизда қайнаган,
Садоқатнинг сўроғисиз, устозлар,
Яхшиликнинг ёноғисиз, устозлар.

Ўқиб, уққан, сиз хикматгўй инсонсиз,
Нақшбандий боғларига боғбонсиз,
Амир Темур таъзим қилган сарбонсиз,
Зиё мулкин байроғисиз, устозлар,
Кўнгилларнинг ардоғисиз, устозлар.

Бир кўзгусиз юзларида доғи йўқ,
Шогирдларнинг сиздан юсак тоғи йўқ,
Олов ўча келиб сиздан сўрар чўғ,
Тафаккурнинг ўчоғисиз, устозлар,
Ҳақиқатнинг чақмоғисиз, устозлар.

Онам берган тилни бурро қилган зот,
Ватан сўзин дилга имло қилган зот,
Авлодларга жонин фидо қилган зот
Сиз рост сўзининг салмоғисиз, устозлар.
Сиз офтобнинг қучоғисиз, устозлар.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Муаллимлар манзумаси

Билим боғига боғбонсиз, муаллимлар,
Шараф тоғига нарвонсиз, муаллимлар.

Ҳаёт порлоқдир илму маърифат бирлан,
Чароғсиз ҳам чароғбонсиз, муаллимлар.

Синолар кашф этиб кетган синоатлар,
Башар дардига дармон –
Сиз, муаллимлар.

Заковат кемасига Берунийнинг ҳам
Ўзингиз илк уммонсиз, муаллимлар.

Жаҳон осмонига Султон Улуғбекни
Узатган илк осмонсиз, муаллимлар.

Навоий қайдин олмиш нуктадонликни?
Зариф ҳам жонли девон – Сиз, муаллимлар.



Билим – мангу хазон бўлмас зироатдир,
Ўзингиз мангу деҳқонсиз, муаллимлар.

Жаҳлолдин қутулгай бир куни олам,
Метин кўргону посбонсиз, муаллимлар.

Гулу чечакларингиздир ўғил-қизлар,
Туну кун сиз нигоҳбонсиз, муаллимлар.

Улуғсиз, хоксору камтариндирсиз,
Дилу жонсиз, қадрдонсиз, муаллимлар.

Буюк устоз – Ватандир, ота юрт асли,
Она юрт, Ўзбекистонсиз, муаллимлар.

Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Реклама ўрнида

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ акциядорлик жамияти

жамоаси

азиз ва меҳрибон
устозларимизни касб
байрамлари билан
муборакбод этади!

Ҳамиша меҳнатларингиз
роҳатини кўриб юринг,
доимо соғ ва
омон бўлинг,
азиз устозлар!



Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

кўз нури, қалб қўрини ёш авлод
тарбиясига бахш этадиган
ўқитувчи ва мураббийларни касб
байрамлари билан чин дилдан қутлайди!
Масъулиятли ва шарафли касбингизда
муваффақиятлар ёр бўлсин, азизлар!

